

## ИСЛОМ ДИНИДАГИ СУННИЙЛАРНИНГ ҲУҚУҚШУНОСЛИК - ФИҚҲ СОҲАСИДАГИ МАЗҲАБЛАРИ

**Байрамбай Жеңисбаевич Даўлетмуратов**

Қорақалпоқ давлат университети стажер тадқиқотчиси

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Исломдаги суннийларнинг шариат ҳуқуқи мактаблари ҳанафийлик, моликийлик, шофиъийлик, ҳанбалийликлар дунё буйича тарқалиши, уларнинг мақсадлари, ханафий мазҳабининг Ўзбекистондаги қуриниши, ҳозирги кундаги ишлар ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** Қуръон, Сунна, фикҳ, мазҳаб, ҳанафийлик, моликийлик, шофиъийлик, ҳанбалий.

### SUNNIS IN ISLAM IN THE FIELD OF LAW - FIQH

### ABSTRACT

The article discusses the spread of Hanafi, Maliki, Shafi'i, Hanbali schools around the world, their goals, the appearance of the Hanafi sect in Uzbekistan, and current affairs.

**Keywords:** Qur'an, Sunnah, Fiqh, Madhhab, Hanafi, Maliki, Shafi'i, Hanbali

### КИРИШ


Халқимизнинг маънавий ҳамда маданий юксалишини такомиллашиб боришида ислом динининг ахамияти жуда катта. Ислом тинчликка, покликка, инсонийликка, меҳр-мурувватга, ватанпарварликга, илм олишга чақирувчи диндир.

Ислом (араб. - бўйсунуш, итоат этиш, ўзини Аллоҳ иродасига топшириш) - жаҳонда кенг тарқалган уч диндан (буддизм ва христианлик билан бир қаторда) бири. Ислом динига эътиқод қилувчилар арабча «муслим» («садоқатли»); кўплиги «муслимун») деб аталади. «Муслим», «муслимун» сўзининг бошқа халқлар орасида ўзгача талаффуз этиш (мас, форсларда - мусалмон, ўзбекларда - мусулмон, қирғиз ва қозоқларда - мусурмон, Украина ва Россияда - басурман) натижасида бу динга эътиқод қилувчилар турли ном билан аталади. Лекин буларнинг ичида ҳозир мусулмон ибораси кенг тарқалган.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Жаҳонда қарийб 1,2 млрд. киши Исломга эътиқод қилади. Муслмонларнинг 2/3 қисмидан кўпроғи Осиёда яшайди ва бу қитъа аҳолисининг 20% идан ортиқроғини ташкил этади. Қарийб 30% муслмонлар Африкага тўғри келади (қитъа аҳолисининг деярли ярми). Дунёда муслмон жамоалари мавжуд бўлган 120 дан ортиқ мамлакатдан 40 дан зиёдида муслмонлар аҳолининг кўпчилигини ташкил қилади - Шимолий Африка, Ғарбий Осиёнинг барча мамлакатларида (Кипр, Ливан, Исроил мустасно), Сенегал, Гамбия, Нигер, Сомали, Афғонистон, Покистон, Бангладеш, Индонезия ва бошқа баъзи мамлакатларда аҳолининг 80% дан ортиғи муслмонлардир; бир қанча мамлакатларда муслмонлар аҳолининг ярмидан 80% игача ташкил қилади (Гвинея, Мали, Ливан, Чад, Судан). Малайзия ва Нигерияда қарийб ярми, баъзи бир мамлакатлар (Гвинея-Бисау, Камерун, Буркинафасо, Сьерра-Леоне ва б.) да муслмонлар озчиликни ташкил қилса ҳам, таъсир доираси кучли. Муслмонларнинг сони жихатдан энг йирик давлатлар - Индонезия, Ҳиндистон, Покистон ва Бангладеш; муслмонларнинг анчаси Марказий Осиё мамлакатлари, Хитой, Таиланд, Эфиопия, Танзания, Кипрда, Европанинг айрим мамлакатлари (Югославия, Албания, Буюк Британия, ГФР, Франция ва б.), Шимолий ва Жанубий Америка қитъаси мамлакатлари (АҚШ, Канада, Аргентина, Бразилия, Гайана, Суринам, Тринидад ва Тобаго)да, Австралияда, Фижи оролларида яшайди. Ислом 7-асрларда Ҳижоз (Ғарбий Арабистон) да пайдо бўлди.

Унинг асосчиси Муҳаммад (ас)дир. Ислом динининг пайдо бўлиши хусусида Ислом манбаларига асосланган диний анъанада у илоҳий ҳодиса, инсонларни тўғри йўлга солиш учун Аллоҳ томонидан юборилган охириги таълимот деб уқтирилади. Ислом талқинида дастлаб яҳудий ва христианлар ҳам айнан муслмонлар эътиқод қилган худога ишонганлар. Шу худо, яъни Аллоҳ одамларга пайғамбар-элчилар юборган. Аммо инсонлар пайғамбарлар таълимотини бузганлар. Шунинг учун Аллоҳ инсонларга охириги расул этиб Муҳаммад (сав)ни танлади, унга ўзининг каломи - Қуръонни нозил қилди. Муҳаммад (сав) олдин ўз ҳамшаҳарларини, сўнг барча арабларни кўплаб қабила худоларига сиғинишдан воз кечиш ва ягона худо — Аллоҳга эътиқод қилиш, солиҳ ҳаёт кечириш, у дунёда жаннатга тушиш учун бу дунёда эзгу ишлар қилишга даъват этди. Ислом таълимоти ва қонуниятининг иккинчи муҳим манбаи - бу Пайғамбаримиз Муҳаммад (сав) нинг сўзлари ва амаллари ҳақидаги анъаналар (ҳадис) тўплами бўлган Суннат.



Қуръон ва суннат негизда шариат ҳосил бўлади. Шариат (араб. - тўғри йўл; исломда қонунчилик маъносида ишлатилади) кўрсатмалари биринчи навбатда Пайғамбаримиз Муҳаммад (сав) Қуръони ва суннатларида мустаҳкамлашган ва мусулмонларнинг кундалик ҳаётининг деярли барча соҳаларини тартибга солувчи ўзига хос меъйорлар манбаи бўлиб хизмат қилади.

Қуръон ва ҳадисни турлича талқин қилиш, ислом тарихида ғоявий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва диний ҳаётнинг бошқа соҳаларида юз берган ихтилофлар

натijasида исломда йўналишлар вужудга келади. Ислomдаги асосий йўналишлар - суннийлик, шиалик, хорижийлар.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бу йўналишлар ҳам мазҳабларга бўлинган. Мазҳаб (араб. - йўналиш, оқим, йўл, таълимot), шариат мазҳаблари - исломда диний ҳуқуқ тизимлари ва йўналишлари. 8-9-асрларга келиб шариатнинг шаклланиши жараёнида ҳуқуқшунослик - фикҳ соҳасида жуда кўп Мазҳаблар юзага келган. Ҳозирги вақтда сунний тўртта Мазҳаб - ханафийлик, моликийлик, шофиъийлик, ҳанбалилик сақланиб қолган.

Моликийлик - суннийликдаги динийҳуқуқий мазҳаблардан бири. Молик ибн Анас асос солган. Макка Мадинада пайдо бўлди, Арабистон ярим оролига, кейин Миср, Шимолий Африка ва Андалусияга тарқалди. Молик ибн Анаснинг «ал-Муваттаъ» (оммавий, барчага тушунарли маъносида) асари Моликийлик таълимotининг асосий манбаи ҳисобланади. Моликийлик тарафдорлари Муҳаммад (сав) ҳаётлиги вақтида илк исломда шаклланган фикҳ меъёрларини тан олади, фикҳнинг асосий манбаи сифатида Қуръон ва суннага таянади, Мадинанинг саводли аҳолиси яқдиллик билан маъқуллаган қоидаларнигина ижмо деб ҳисоблайди. Шу билан бирга мусулмонларнинг умумий манфаатларига жавоб берувчи шариат ҳукмларига монелик қилмайди. Ҳозирги вақтда ҳам бу мазҳаб қоидаларининг Марокаш, Тунис, Жазоир ва Ливия никоҳ-оила ва мулкка оид ҳуқуқига сезиларли таъсири бор. У Ливиянинг бир қанча жинойт қонунлари асосини ташкил этади.

Шофиъийлик - суннийликдаги диний-ҳуқуқий мазҳаблардан бири. Муҳаммад ибн Идрис аш Шофиъий асос солган. Шофиъийлик моликийлик ва ҳанбалийлик диний-ҳуқуқий тизимига яқинроқ туради. Шофиъийлик тарафдорлари ислом ҳуқуқидаги қиёс ва раъни тўла маъқулламайди, Қуръон, сунна ва ижмони асосий манба деб билади. Ҳанафийликка кўшимча манба сифатида амал қилиб келинган «истиҳсон» қоидаси ҳам Шофиъийликда рад этилган. Шофиъийлик дастлаб Сурия ва Мисрда шаклланган, ўрта асрларга келиб Яқин Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Ҳозирги вақтда Миср, Индонезия, Шимолий Кавказ, Шарқий Африка мамлакатларининг баъзиларида, қисман Сурияда ва жанубий араб султонликларида эътиқод ва ибодатга доир амалларни Шофиъийлик мазҳаби бўйича бажарувчи мусулмонлар бор.

Ҳанбалийлик - суннийликда диний-ҳуқуқ мазҳабларидан бири. Ибн Ҳанбал асос солган. Ҳанбалийлик тизими ўта торлиги, ҳар қандай кўринишдаги «янгилик»ка, диний масалаларда эркин фикр юритишга қаршилиги, шариат аҳкомларига риоя этишда қатъий туришлиги билан ажралиб туради. Ҳанбалийлик тарафдорлари Қуръон ва ҳадисларни эркин талқин этиш йўлидаги ҳар қандай уринишларни қоралаганлар. Шунинг учун ҳам (эу мазҳаб кенг тарқалмаган. Фақат 9-а.нинг 2-ярмида араб халифалигида муътазилийларнинг ва илоҳиёт - соҳасидаги ҳурфикрлиликнинг таъқиб остига олиниши туфайли Ҳанбалийлик таъсири бирмунча кенгайган ва 12-асрда мустақил мазҳабга айланган. 10-асрда Эронда, 11-асрдан 15-асргача Сурия ва Фаластинда Ҳанбалийлик издошлари кўп бўлган. Ундан кейинги асрларда Ҳанбалийлик тарафдорлари яна камайиб кетган. Ҳозирда Ҳанбалийлик Саудия Арабистонда расман эътироф этилган, бошқа мамлакатларда кам учрайди.

Ҳанифлар - ислом дини вужудга келмасдан илгари араблар орасида яккахудолик ғоясини тарғиб қилган шахслар. Мусулмонлар ривоятига кўра, улар исломгача Арабистонда қабила худоларига сиғинишни рад этган, яккахудога астойдил ишонган, лекин христианликка ҳам, яҳудийликка ҳам қўшилмаган. Муҳаммад (сав) ҳам ўз тарғиботини Ҳанифийлардан бири сифатида бошлаган. Қуръонда Иброҳим ҳам ханиф деб номланган, унинг чинакам яккахудоликка асосланган динини Муҳаммад (сав) тиклаган, деб ҳисобланади. 8 - 9 - асрлардан бошлаб мусулмон адабиётида Ҳанифлар кўпинча «мусулмонлар», ислом эса «ханифлик дини» маъносида ишлатилган. Суфийлар ҳам ўзларини Ҳанифлар деб аташарди.

Ҳанафий мазхаби барча ҳуқуқ мактаблари орасида энг кенг тарқалган. Ҳанафийлар Марказий ва Ўрта Осиё, Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркия, Яқин Шарқ, Болқон ва бошқа мамлакатларда яшайдилар.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин, Ислом дини ҳаётда муносиб ўрнини эгаллай бошлади. Мусулмонларнинг диний ибодат ва маросимларни адо этишлари учун шароит яратиб берилди. Қуръони карим 2 марта ўзбек тилида чоп этилди (1992, 2001 йиллар), ҳадис тўпламларининг таржимаси, Ислом уламоларининг юзларча китоблари яна халққа етказилди. Ислом тарихи манбалари ва маросимларини ҳар томонлама, илмий, ҳолисона ўрганишга киришилди, мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Шу мақсадда Тошкент давлат шарқшунослик институтида исломшунослик кафедраси очилди (1992), деярли барча вилоятларда диний ўқув юртлари фаолият кўрсата бошлади, Тошкент Ислом университети ташкил қилинди (1999), унинг таркибида Исломшунослик маркази ишлаб турибди.

Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон ўлкасида да халқнинг истагидан келиб чиқиб, жоме масжидларимизнинг сони кўпайди. Аввалгилари қайта реконструкция ишланиб, намозхонлар фойдаланиш учун барча қулайликлар яратилмоқда. Ҳаттоки, олис қишлоқлардаги масжидлар ҳам кўрганда кўзларди қувонгандек даражада такрорий таъмирланиб, обод қилинди. Айниқса, сўнгги йиллари элимимизнинг қайсидур бурчагида жоме масжиди куриб, фойдаланишга топширилди, деган мундарижадаги хуш хабарларнинг гувоҳи бўляптими.

Мамлакатимизда 10 ўрта махсус ислом билим юрти хизмат олиб бормоқда, шунинг ичида пойтахтимиздаги Нукус Муҳаммад ибн Аҳмад ол - Беруний ўрта махсус ислом билим юртида ҳам келажакимиз давомчилари бўлган ёшларимиз тажрибали устозларидан таълим олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 16-апрелдаги «Диний-маърифат соҳа ишларини такомиллаштириш чоралари ҳақида»ги фармонида асосан, Тошкент ислом университети негизида Ўзбекистон халқаро Ислом академияси ташкиллаштирилди.

Ушбу, Ўзбекистон халқаро Ислом академияси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Наманган ва Сурхондарё вилоятларининг ҳудудий филиаллари иш бошлаши белгиланиб, у ерда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 20 -апрелдаги «Юқори таълим тизимини янада ривожлантиришнинг чоралари ҳақида»ги Қарорига асосан академиянинг ҳудудий филиалларида имам-хатиблар, имам-нойиблар,

диний соҳа мутахассислари, мамлакатлик ва жамоатлик ташкилот ходимлари, юқори ва ўрта махсус билим бериш ўринларининг соҳага тегишли педагог кадрлари такрорий тайёрликдан ўтади ва илмий тажрийба оширади, деб ёритилган.

Халқимизнинг диний таълимга бўлган ихтиёжларини қаноатлантириш мақсадида ислом билим юртларида, шунинг ичида, пойтахтимиздаги Муҳаммад ибн Аҳмад ол -Беруний ўрта махсус ислом билим юртида ҳам «Қураны кэрийм ва тэжўийд» бўйича уч ойлик ўқиш курслари ташкиллаштирилди.

Мўмин-мусулмонларнинг диний саволларига ўз вақтида жавоб бериш мақсадида, call-марказ, телеграм бот ва ўз олдига fatvo.uz сайти ишга тушурилди. Махаллий фуқароларимиз raziyet.uz сайти бўйича ҳам ўзларини қизиқтирган саволномасина жавоб олиши мумкин. Шу жумладан, қорақалпоқ тилидаги nasiyat.uz ва alberuniy.uz сайтлари ва уларнинг ижтимоий тармоқлардаги каналлари ўз хизматларини олиб бармоқта.

Мана, шундай диний-маърифат соҳасидаги кенг хажмли ишлар бутун дунё жамоатчилиги томонидан юқори даражада тан олинди. Айниқса, БМШ, АҚШ мамлакатлик департаменти ва бошқа ташкилотлар юқори баҳо бермоқта.

Барчамизга белгили дунё цивилизацияси ривожланишига муносиб ҳисса қўшган улуғ олимларимизнинг асарларини ўрганиш ва шулар асосида улар ёзиб қолдирган бой меросини келажак авлодга етказиш - бугунги куннинг давр талаби.

Ҳурматли Президентимизнинг 2018-йилнинг 20-21-январь кунларида Қорақалпоғистонга ташрифи давомида Нукус шаҳридаги Имам ийшан Муҳаммад жоме масжидида бўлиб, бу ерда нураний ва имам-хатиблар билан учрачиш пайтида ҳам имам-хатибларимизга, биринчи навбатда, аждодларимиздан қолган бой мийрас бўлган, эски қўл ёзмаларни ўрганган ҳолда рисоалар ва асарлар ёзув бўйича бир қатор топшириқлар берган эдилар. Ушбу мунасабат асосида, халқимизга Ислом динининг мазмун ва маъносини очиб берадиган китоблар устида кўп йиллардан буён меҳнат қилган эдик. Хозирги кунда халқимизнинг диний адабиётларга бўлган Ихтиёжларини қондириш мақсадида қорақалпоқ тилида “Ислам нуры” газетаси ва “Ҳидаят” журнали ёриқ кўрмакта. Шу жумладан, она тилимизда бир нечта китоблар, хусусан, “Камил инсан”, “Саламат ана ҳам бала – жэмийет гиреўи”, “Ораза пазыйлети”, “Намаз оқыў қағыйдалары”, “Марҳумларға азар бермейик”, “Қурбанлық китабы”, “Сарф дарслиги”, “Қураны кэрийм мәнилериниң қарақалпақ тилиндеги аўдармасы ҳам тэфсири”, “Шамаили Муҳаммадия”,

“Ибадати Исламия”, “Ислам мөрипаты: негиз ҳам түсиник”, “Ислам динине улыўма тәрийп”, “Ҳаж ҳам умра қолланбасы”, “Ийман”, “Муҳаммад алайҳиссалом (қысқаша өмир тарийхи)”, “Тәжүйд қағыйдалары” ва бошқа китоблар чоп этилиб, халқимизга ином қилинди. Шу кунлари ҳозирети шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг 37 томнан иборат “Хәдис ҳам турмыс” китобининг 3 томи ёриқ кўриб, китоб ихлосмантларини қувонтирмоқда. Қолган томлари босмага тайёрланмоқда.

Албатта, бу қорақалпоқ тилида чиқарилган биринчи босмадан чиқиши ҳам мустақил юртимиздаги диний соҳада ишланаётган хайрли ишлардан ҳисобланади. Айниқса, “Қураны кәрийм мәнилериниң қарақалпақ тилиндеги аўдармасы ҳам тәфсири” халқимиз катта қувонч менен кутиб олди.

## ХУЛОСА

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида 54 жоме масжидлар мўмин-аҳли мусулмонларга диний -марифий хизмат этиб келмоқда. Ушбу 54 масжиднинг ҳаммаси диний маълумотга эга, дипломли мутахассислар. Улардан 14 имам-хатиб юқори маълумотли, 40 имам-хатиб ўрта маълумотли. 63 нойиб-имам (имам ўринбосарлари ) бор. Улардан 3 юқори маълумотли, 60 ўрта маълумотли имам-нойиблар хизмат кўрсатмоқда. 2020-йилга қадар республикада 50 масжид бўлган бўлса, 2020-2021-йилларда буларни сони 54 га етди.

Нукус шаҳрида 4 та, Хожели туманида 2 та, Тахиятас туманида 3 та, Беруний туманида 5 та, Тўрткўл туманида 10 та, Эллиққалъа туманида 5 та, Амударё туманида 7 та, Шўманой туманида 1 та, Қонликўл туманида 1 та, Қўнғирот туманида 2 та, Нукус туманида 3 та, Кегейли туманида 4 та, Бўзатаў туманида 1 та, Чимбой туманида 1 та, Қораўзак туманида 1 та, Тахтақўпир туманида 1 та, Мўйноқ туманида 3 масжидлар хизмат қилиб тур.

Қорақалпоғистон аҳли мусулмонлари қозияти Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри Х. Абдамбетов кўчаси бўйида жойлашган марказий Имам ийшан Муҳаммад жоме масжиди иншоотида жойлашган.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. И ҳарфи. 308 - 309 бетлар
2. Большая Российская энциклопедия URL:  
[https://bigenc.ru/religious\\_studies/text/2022719](https://bigenc.ru/religious_studies/text/2022719)
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. III ҳарфи. 37 бет

4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. М ҳарфи. 78 бет
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ҳ ҳарфи. 87 бет
6. Большая Российская энциклопедия URL:  
[https://bigenc.ru/religious\\_studies/text/2022719](https://bigenc.ru/religious_studies/text/2022719)